

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚҮМИТАСИ**

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2018 ЙИЛ
ЯНВАРЬ – ДЕКАБРЬ**

Урганч – 2019

СЎЗ БОШИ

Хоразм вилоятининг статистик ахборотномаси Хоразм вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Хоразм вилояти статистика бошқармасининг йиллик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2018 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича Хоразм вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I чорагидан бошлаб, ҳисбот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ-2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, курилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгилangan таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аникроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, молиявий натижалар, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, курилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташки савдо, улгуржи ва чакана савдо, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Дастлабки ҳисобларга асосан келгусида аниқлик киритилиши мумкин бўлган кўрсаткичлар келтирилмоқда.

Тахризчилар: А.Р.Ўтамуратов – Бошқарма бошлигининг биринчи ўринbosари

А.И.Рахимов – Бошқарма бошлигининг ўринbosари

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
Асосий иқтисодий құрсақчилар	7
I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАХСУЛОТ	8-11
Ялпи ҳудудий махсулотнинг тармоқлар бүйича таркиби	8-11
II. САНОАТ	12-25
Иқтисодий фаолият турлари бүйича саноат махсулотини ишлаб чиқариш	12-13
Ҳудудлар кесимида саноат махсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми	13-25
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХҮЖАЛИГИ	26-40
Хўжалик тоифалари бүйича асосий турдаги дәхқончилик махсулотларини ишлаб чиқариш	26-30
Ишлаб чиқарилган чорвачилик махсулотлари	31-36
Ҳудудлар кесимида асосий турдаги дәхқончилик махсулотларини ишлаб чиқариш	37-40
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	41-56
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатлари	41-42
Молиялаштириш манбалари бүйича асосий капиталга киритилган инвестициялар	43-48
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби	48-49
Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш	50-51
2018 йил январь – декабрь ойларида Ҳудудлар кесимида ишга туширилган турар жойлар	52-53
Қурилиш ишлари	54-56
V. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК	57-61
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий құрсақчилари	57-61
VI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ	62-66
2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бүйича якуний молиявий натижалари)	63
2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари	64-66
VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	67-83

Номи	бет.
Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони	68-69
Рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари	70-83
VIII. ХИЗМАТЛАР	84-92
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	84-92
IX. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА	93-95
Юк ташиш	94
Йўловчи ташиш	95
X. ИСТЕММОЛ БОЗОРИ	96-100
Чакана савдо товар айланмаси кўрсаткичлари	96-99
Шаҳар ва туманлар кесимида чакана товар айланмаси ҳажми умумий овқатланишни қўшган ҳолда	100
XI. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	101-110
Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси	101-103
Товар ва хизматларнинг экспорт таркиби, жамига нисбатан фоизда	104-105
Товар ва хизматларнинг импорт таркиби, жамига нисбатан фоизда	106-108
Хоразм вилоятида ҳудудлар кесимида 2018 йил январь-декабрь ойларида Ташқи савдо айланмаси ҳажми (минг АҚШ долл.)	109-110
XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ	111-119
Доимий аҳоли сони	111-114
Аҳолининг табиий ҳаракати	115-116
Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажralишлар сони	117-118
2018 йил январь-декабрь ҳолатига аҳоли зичлиги	119
XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ	120-126
Иш ҳақи	120-121
Юридик шахсларда ходимлар сони ва иш ҳақи фонди	122-123
Шаҳар ва туманлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	124-125
Хоразм вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи	126

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи худудий маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м	—	марта
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гаектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	1), 2), 3).....	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			

Асосий иқтисодий күрсаткичлар
2018 йил январь–декабрь

	млрд. сўм	2017 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи худудий маҳсулот	15154,2	103,0
Саноат маҳсулоти	5930,9	117,3
Истеъмол товарлари	3828,2	127,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	12599,9	98,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2980,0	122,8
Курилиш ишлари	1748,5	105,7
Юк айланмаси (млн. тн-км)	656,6	105,8
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	7309,2	102,4
Чакана товар айланмаси	5209,8	109,4
Хизматлар, жами	4403,5	108,5
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл ¹)	241,7	94,4
Экспорт	77,5	63,1
Импорт	164,2	123,2
Салдо (+,-)	-86,7	x

¹ Давлат божхона қўмитасининг аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда

I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 15154,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 103,0 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 128,4 фоизни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқарии фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқарии усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажсми ва маҳсулотларга соф соликлар йигиндиси орқали ҳисобланади.

2018 йил январь-декабрь ойлари учун ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари

(фоиз ҳисобида)



Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат – 114,3 фоиз (13,9 фоиз), курилиш – 105,7 фоиз (5,4 фоиз), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари – 104,8 фоиз (6,6 фоиз), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,2 фоиз (17,1 фоиз) ва савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 104,5 фоиз (7,9 фоиз)ни ташкил қилди.

**2018 йил январь-декабрь ойларида вилоят ялпи худудий
махсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**


	млрд.сўм		2017 йил январь- декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил январь- декабрь	2018 йил январь- декабрь	
I. Ялпи худудий махсулот, жами	11457,2	15154,2	103,0
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	11125,0	14658,2	102,9
Махсулотларга соғ солиқлар	332,2	496,0	107,9
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	11125,0	14658,2	102,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5616,6	7565,4	98,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1943,2	2825,2	111,5
саноат	1321,9	2035,0	114,3
курилиш	621,3	790,2	105,7
Хизматлар	3565,2	4267,6	104,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	638,2	791,2	103,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	893,4	968,0	104,8
бошқа хизматлар	2033,6	2508,4	104,2

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятнинг ялпи худудий махсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири 114,3 фоиз – саноат, 105,7 фоиз – қурилиш, 104,3 фоиз – хизматлар соҳаси тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда.


ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 75,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2017 йил январь-декабрь ойларида 78,3 фоизни ташкил қилган.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь-декабрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь



2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ЯҲМ таркибида Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасининг улуши 51,6 фоизни ташкил қилди, бу эса 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 1,1 пунктга кўпdir (50,5 фоиз). ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 1,4 пунктта камайди ва ҳисобот даврида 8,0 фоизни ташкил қилди. Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2017 йил январь-декабрь ойларидаги 18,3 фоиздан 2018 йил январь-декабрь ойларида 17,1 фоизга тушди.

**Ўзбекистон Республикасининг Хоразм вилояти билан солиши тирма макроинтисодий
кўрсаткичлари**
(2018йил январь-декабрь)

	Ўзбекистон Республикаси		Хоразм вилояти		Республикадаги улуши % да	
	млрд. сўм	Ўсии суръати, % да	млрд. сўм	Ўсии суръати, % да	январь- декабрь 2017 й.	январь- декабрь 2018 й.
Ялпи ички маҳсулот (худудий) маҳсулот	407514,5	105,1	15 154,2	103,0	3,8	3,7
Саноат	228866,2	114,4	5930,9	117,3	2,7	2,6
Истеммол товарлари	84329,9	115,9	3828,2	127,3	4,0	4,5
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	199537,4	100,3	12599,9	98,9	6,1	6,3
Инвестициялар	107333,0	118,1	2980,0	122,8	2,9	2,8
Қурилиш ишлари	47260,7	109,9	1748,5	105,7	4,0	3,7
Чакана товар айланиши	131768,2	105,5	5209,8	109,4	3,8	4,0
Хизматлар, жами	146836,3	108,4	4 403,5	108,5	3,1	3,0
Экспорт (млн. АҚШ. долл)	14253,9	113,5	77,5	63,1	1,0	0,5
Импорт (млн. АҚШ. долл)	19555,2	139,6	164,2	123,2	1,0	0,8

II. САНОАТ

2018 йил январь-декабрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5930,9 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 117,3 фоизни ташкил этди.


Хисобот даврида 3828,2 млрд. сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 127,3 фоизни ташкил этди.

Жумладан, 971,9 млрд. сўмлик озик-овқат маҳсулотлари, 2856,3 млрд. сўмлик ноозик-овқат моллари (2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан мос равиша 105,6 фоиз ва 136,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.


Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 14,7 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби январь-декабрь ҳолатига (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарии хажсига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-декабрь




2018 йил январь-декабрь



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш


Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби кўпроқ қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, унинг улуши 96,024 фоизни ташкил қилди. (2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 120,0 фоиз). Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш улуши 0,001 фоизни (ўсиш суръати 101,5 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш улуши 3,312 фоизни (ўсиш суръати 69,3 фоиз), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиши ва утилизация қилиш улуши 0,663 фоизни (ўсиш суръати 111,2 фоиз) ташкил қиласди.

2018 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар кесимила саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари (фоизда)



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган даврга нисбатан ўсишида Хазорасп тумани (2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 139,0 фоиз), Кўшкўпир тумани (109,6 фоиз), Янгиарик тумани (108,3 фоиз), Урганч тумани (107,4 фоиз) ҳамда Гурлан туманларида (107,0 фоиз) энг юқори ўсиш суръатларига эришилганини кўриш мумкин.

2018 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисида (млрд.сўмда)




Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича юқори бўлган Хазорасп тумани, Урганч шаҳри, Боғот, Хонқа ва Шовот туманларига тўғри келади.

**Ишлаб чиқардиган саноатда йирик саноат корхоналари
томонидан натура күринишида айрим турдаги саноат
махсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**

<i>Махсулот турлари</i>	<i>2018 йил январь-декабрь</i>	<i>2017 йил январь-декабрь</i>	<i>Үсиси суръати, фоиз хисобида</i>
Гидро электр станциялари ишлаб чикарган электр энергияси – млн кВтс	136,3	604,2	22,6
Иссиклик энергияси – минг Гкал.	116,4	212,9	54,7
Енгил автомобиллари - дона	31145	20245	153,8
Юк автомобиллари – дона	7380	3446	2,1 м
Арок – минг литр	1776	2188	81,2
Узум виноси ёки узум турупини дистерлаш натижасида олинган спирт настойкалари конъяк спиртидан ташкари – минг литр	19,3	19,0	101,8
Табий ок ва кизил десерт узум винолари – минг литр	1200	1200	100,0
Юмшок буғдой ва спельта уни – тонна	76169,1	73650,0	103,4
Макарон махсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган махсулотлар – тонна.	119,3	492,0	24,2
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 гр. (буханка) – тонна	1922,7	3415,5	56,3
Миллий нон (ёпган нон) – тонна	535,8	632,3	84,7
Тозаланган ўсимлик ёғи – тонна	18864,6	22830,6	82,6
Хўжалик совуни – тонна	7379	7306,7	101,0
Пахта толаси – тонна	78768	90872	86,7
Пахта чигити- тонна	125117	140752	88,9
Пахта чигити (линт) - тонна	6792	8518	79,7

Вилоятда йирик корхоналар томонидан фаолият турлари бўйича асосий турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан Гидро электр станциялари ишлаб чиқарган электр энергияси 22,6 фоиз, иссиқлик энергияси 54,7 фоиз, ароқ 81,2 фоиз, макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар 24,2 фоиз, биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 гр. (буханка) 56,3 фоиз, пахта толаси 86,7 фоиз, пахта чигити 88,9 фоиз, пахта чигити (линт) 79,7 фоизга камайганлигини кузатилди.

Шаҳар ва туманларнинг вилоят жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуси (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида энг юқори бўлган улуш 46,3 фоиз Хазорасп тумани, 23,6 фоиз Урганч шаҳри, 6,4 фоиз Богот тумани, 6,1 фоиз Хонқа тумани ҳамда 4,3 фоизи Шовот туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2018 йил январь-декабрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	млрд. сўм	ўсии суръати, фоиз ҳисобида
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	5930,9	117,3
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	0,03	101,5
<i>улардан:</i>		
Тоғ- кон саноатига боғлиқ бошқа фаолият	0,03	101,5
Қайта ишлаш саноати	5695,1	120,0
<i>ундан:</i>		
Озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1021,4	99,3
Ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	228,0	119,1
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1279,4	104,0
Кийим ишлаб чиқариш	65,6	167,6
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	7,8	102,3
Ёғоч ва пўёкак буюмлар, похол ва тўқиши учун материаллардан буюмлари, ишлаб чиқариш	4,3	106,3
Қофоз ва қофоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш	15,8	105,9
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,7	108,8
Нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,03	109,4
Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	10,3	108,1
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	8,2	108,8
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	24,8	109,1

	млрд. сўм	ўсии суръати, фоиз ҳисобида
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	177,6	104,6
Металлургия саноати	15,0	109,5
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	137,3	118,8
Компьютер ва электрон оптикали маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,01	109,7
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	24,0	108,6
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	162,0	109,7
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	2345,0	152,5
Мебель ишлаб чиқариш	21,6	105,3
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	129,5	89,4
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш ҳамда тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	16,7	91,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	196,4	69,3
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	39,3	111,2
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	3828,2	127,3


шу жумладан:

озиқ-овқат товарлари	971,9	105,6
ноозиқ-овқат товарлари	2856,3	136,8


Фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш 2018 йил январь-декабрь ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 99,3 фоиз, бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш 89,4 фоиз, машина ва ускуналарни таъмиrlаш ва ўрнатиш ҳамда тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш 91,4 фоизга камайган.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби
(жасами истеъмол товарлари ишлаб чиқарии хажсига нисбатан фоизда)

2017 йил январь-декабрь



2018 йил январь-декабрь




- Ноозик-овқат
- Озиқ-овқат

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркибида озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улуши 2017 йилда 30,6 фоиздан 25,4 фоизга камайганлиги, ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш эса 69,9 фоиздан 74,6 фоизга кўпайганлиги кузатилди.

2018 йил январь-декабрь ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


(млрд. сўм)



Тайёр маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес субъектлари томонидан замонавий технологиялар олиб келиниши натижасида вилоятда 3828,2 млрд.сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 127,3 фоизни ташкил этди.

Жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 64,5 фоизни ташкил қилди.

**2018 йил январь-декабрь ойларида истаъмол товарлари ишалб
чиқариш ўсиш суръати (фоизда)**



Шаҳар ва туманлар кесимида ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатини кўрадиган бўлсак, энг юқори бўлган Хазорасп тумани 143,2 фоиз, Шовот тумани 125,3 фоиз, Богот тумани 116,4 фоиз, Хонқа тумани 114,1 фоиз ва Урганч шахри 110,7 фоизга ўсган.


Шунингдек, жами истаъмол товарлари ишлаб чиқариш улушида 2017 йил январь-декабрь ойларида Хазорасп тумани 44,2 фоиздан 2018 йилда 55,7 фоизга ошган бўлса, Урганч шахри 23,6 фоиздан 20 фоизга, Хонқа тумани 5,9 фоиздан 4,8 фоизга ва Гурлан тумани 3,3 фоиздан 2,3 фоизга камайган.

Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)

	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда¹⁾</i>	<i>2017 йил январь- декабрь ойига нисбатан, % да</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд. сумда¹⁾</i>	<i>2017 йил январь- декабрь ойига нисбатан, % да</i>
Вилоят бўйича жами	5930,9	117,3	3828,2	127,3
<i>шахарлар:</i>				
Урганч ш.	1400,8	104,3	766,5	110,7
Хива ш.	55,7	105,3	50,2	107,5
<i>туманлар:</i>				
Боғот	376,8	103,2	87,2	116,4
Гурлан	190,2	107,0	89,4	109,4
Қўшкўпир	187,3	109,6	70,3	109,8
Урганч	143,4	107,4	132,7	108,9
Хазорасп	2586,8	139,0	2134,2	143,2
Хонқа	363,6	102,6	183,4	114,1
Хива	83,6	104,0	75,2	107,5
Шовот	255,8	104,8	135,5	125,3
Янгиарик	169,3	108,3	57,4	106,0
Янгибозор	117,6	103,2	46,2	108,9


¹⁾ Xудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда

**Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб
чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**



2018 йил январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш вилоят бўйича 3258,4 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 115,4 фоизни ташкил қилди. Шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, 2017 йил январь-декабрь ойларида Хазорасп тумани 5337,6 минг сўмдан 2018 йилда 10711,5 минг сўмга, Урганч шаҳри 8526,0 минг сўмдан 9935,0 минг сўмга, Боғот тумани 1246,3 минг сўмдан 2362,7 минг сўмга ошган бўлса, Шовот тумани 1778,0 минг сўмдан 1551,1 минг сўмга ва Хива шаҳри 825,8 минг сўмдан 619,4 минг сўмга камайгани кузатилди.

**Шаҳар ва туманлар бўйича аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш
ҳажми, минг сўмда**
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)




Аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш вилоят бўйича 2103,2 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 125,2 фоизни ташкил қилди. 2017 йил январь-декабрь ойларида Хазорасп тумани 4450,7 минг сўмдан 2018 йилда 8837,5 минг сўмга, Урганч шаҳри 5020,7 минг сўмдан 5436,3 минг сўмга, Шовот тумани 375,5 минг сўмдан 821,6 минг сўмга, Янгиарик тумани 120,6 минг сўмдан 508,5 минг сўмга ошган бўлса, Урганч тумани 1014,9 минг сўмдан 691,6 минг сўмга камайгани кузатилди.

Шахар ва туманлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб

чиқаришдаги улуши, % да

(2017 йил январь-декабрь ва 2018 йил январь-декабрь ойлари учун)




■ 2018 йил ■ 2017 йил

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 2018 йил январь-декабрь ойларида 31,7 фоизни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич бўйича энг юқори бўлган Хива тумани 100,0 фоиз, Хива шаҳри 99,6 фоиз бўлиб, энг кам Хонқа тумани 34,3 фоиз, Янгиариқ 36,2 фоиз, Янгибозор тумани 38,6 фоиз ва 5,9 фоиз Хазорасп туманларига тўғри келади.

III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2018 йилнинг январь-декабрда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 12599,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 98,9 фоизни, шу жумладан, дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 12386,1 млрд. сўмни (98,9 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 118,4 млрд. сўмни (101,7 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 95,4 млрд. сўмни (90,9 фоиз) ташкил қилди.


2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши (умумий ҳажсма га нисбатан фоиз ҳисобида)



Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида энг катта улушни дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари хўжаликлари эгаллаган бўлиб, 2018 йил январь-декабрида жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 77,4 фоизини ташкил қилди (2017 йил январь-декабрида – 72,7 фоиз), фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 21,5 фоизи ишлаб чиқарилган (2017 йилда 26,3 фоиз), шунингдек


қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 1,1 фоизи ишлаб чиқилган.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари(хизматлар)нинг ҳажми




Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулот (хизмат)ларини ҳудудлар кесимида тақсимланиши.

(фоиз ҳисобида)




Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳудудлар кесимида хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши.




Деҳқончилик. 2018 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулот (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 5845,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 89,7 фоизни, жумладан, фермер хўжаликлирида 2444,2 млрд. сўмни (76,1 фоиз), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлирида 3370,4 млрд. сўмни (102,7 фоиз), қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 31,3 млрд. сўмни (72,5 фоиз) ташкил қилди.

Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни туманлар кесимида хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши.



Ҳосил йиғими. 2018 йилнинг январь-декабр ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 381,1 минг тонна дон экиnlари ишлаб чиқарилиб, шундан 258,4 минг тоннаси бошоқли дон экиnlари, жумладан 256,7 минг тонна буғдой, 9,4 минг тонна маккажўхори дони, 102,2 минг тонна шоли, 3,5 минг тонна дуккакли дон ва 7,6 минг тонна бошқа дон экиnlари ташкил қилди.

Жами дон экинлари турларининг салмоқлари бўйича тақсимланиши



Бундан ташқари барча тоифадаги хўжаликларда 115,3 минг тонна картошка қазиб олинди (2017 йилга нисбатан 99,7 фоиз), 559,5 минг тонна сабзавот (88,6 фоиз), 121,5 минг тонна полиз экинлари (90,3 фоизга), 146,0 минг тонна мева ва резаворлар (99,6 фоиз) ва 38,9 минг тонна узум (95,0 фоиз) йиғиб олинди.

Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хўжаликлари тоифалари бўйича тақсимланиши.



Чорвачилик. 2018 йил январь-декабрь ойларида чорвачиликда ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизматлар) лар умумий ҳажми 6453,9 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 108,5 фоизни, жумладан, фермер хўжаликларида 203,0 млрд. сўмни (93,6 фоиз), дехқон (шаҳсий ёрдамчи) хўжаликларида 6144,7 млрд. сўмни (108,6 фоиз), қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 106,2 млрд. сўмни (142,2 фоиз) ташкил қилди.

Вилоят туманларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хўжаликлари тоифалари бўйича тақсимланиши

(фоиз ҳисобида)



2019 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 100,6 фоизни (жами 909,6 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 103,9 фоизни (343,9 минг бош), кўй ва эчкилар 102,1 фоизни (423,9 минг бош), отлар 102,7 фоизни (5,6 минг бош), паррандалар 107,3 фоизни (5301,7 минг бошга) ташкил қилди.

2019 йил 1 январь холатига чорва моллари бош сонларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши



Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан дехқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,5 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,7 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 72,0 фоизни ташкил этди.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



2019 йил 1 январь холатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	<i>минг бош</i>	<i>ўсии суръати, %</i>
Йирик шохли корамол	909,6	100,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	58,1	96,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	846,1	101,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	5,4	89,6
улардан: сигирлар	343,9	103,9
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	20,3	99,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	322,1	104,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1,5	122,6
Кўй ва эчкилар	423,9	102,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликларида	43,8	100,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	378,8	102,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1,3	81,0
Отлар	5,6	102,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	0,6	95,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5,0	104,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,015	22,4
Паррандалар	5301,7	107,3

	<i>минг бош</i>	<i>ўсии суръати, %</i>
--	-----------------	----------------------------

шу жумладан:

Фермер хўжаликларида	634,1	102,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	3575,5	102,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1092,1	131,1

2018 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	<i>миқдори</i>	<i>ўсии суръати, %</i>
--	----------------	----------------------------

Гўшт (тирик вазнда), минг тн.

159,2

108,6

шу жумладан:

Фермер хўжаликларида	3,7	76,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	153,7	109,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	1,7	168,5
Сут, минг тн.	1010,0	104,8

шу жумладан:


Фермер хўжаликларида	32,4	109,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	974,6	104,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	3,0	163,6
Тухум, млн. дона	444,5	116,1

шу жумладан:

Фермер хўжаликларида	32,5	147,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида	298,4	109,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларида	113,6	127,7

Фермер хўжаликлари. 2018 йилнинг январь-декабрда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 2647,2 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 77,3 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 21,5 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг йўналишлар бўйича тақсимланиши



2019 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида 58,1 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 20,3 минг бош сигир, 43,8 минг бош қўй ва эчкилар, 634,1 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2018 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 96,6 фоизни, шу жумладан сигирлар 99,2 фоизни, қўй ва эчкилар 100,9 фоизни, паррандалар 102,8 фоизни ташкил қилди.

2018 йил январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	январь-декабрь				2017 январь- декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	
	2017 йил		2018 йил			
	тонна	ишилаб чиқарилиш умумий ҳажасмидаги улуши, фоиз	тонна	ишилаб чиқарилиш умумий ҳажасмидаги улуши, фоиз		
Бошоқли дон	161190	61,9	156992	60,7	97,4	
<i>ишу жумладан:</i>						
буғдой	160264	62,1	156167	60,8	97,4	
Картошка	11923	10,3	10227	8,9	85,8	
Сабзавот	167622	26,6	80571	14,4	48,1	
Полиз	65868	49,0	44569	36,7	67,7	
Мева ва резаворлар	51378	35,0	44772	30,7	87,1	
Узум	9239	22,5	7830	20,1	84,7	
Гўшт, тирик вазнда	4897	3,3	3740	2,3	76,4	
Сут	29705	3,1	32372	3,2	109,0	
Тухум, млн. дона	21,9	5,7	32,5	7,3	147,9	
Жун, тонна	65	6,4	76	6,9	116,9	
Қоракўл, дона	154	2,2	199	2,4	129,2	

2018 йилнинг январь-декабрда ҳудудлар кесимида асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш


Буғдои (тонна)
Жами вилоят бўйича
256672



Сабзавотлар (тонна)
Жами вилоят бўйича
559517



Картошка (тонна)
Жами вилоят бўйича
115274



Полиз (тонна) Жами вилоят бўйича **121458**



**Мевалар ва резаворлар
(тонна) Жами вилоят
бўйича 146026**



**Узум (тонна)
Жами вилоят
бўйича 38945**



**2019 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

**Йирик шохли қорамоллар (бои)
Жами вилоят бўйича 909636**



**шу жумладан сигирлар (бои)
Жами вилоят бўйича 343930**



Қўйлар ва эчкилар (бош)
Жами вилоят бўйича 423934



Кўшкўпир	84665
Хазорасп	73836
Боғот	56255
Урганч	50208
Янгиариқ	39050
Шовот	32818
Хонқа	26210
Хива	19410
Гурлан	14904
Янгибозор	12557
Хива ш.	11800
Урганч ш.	2221

Паррандалар (минг бош)
Жами вилоят бўйича 5301,7



Хонқа	894,4
Урганч	852,6
Боғот	617,1
Кўшкўпир	535,2
Гурлан	483,1
Шовот	454,9
Хазорасп	391,1
Янгибозор	366,9
Янгиариқ	360,6
Хива	290,9
Хива ш.	30,1
Урганч ш.	25,2

2018 йилнинг январь-декабрда худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт (минг тонна)
Жами вилоят бўйича 159,2



Урганч	18,5
Хазорасп	18,2
Шовот	17,6
Янгиариқ	15,4
Хонқа	15,1
Гурлан	14,7
Боғот	13,7
Кўшкўпир	12,9
Янгибозор	11,6
Урганч ш.	11,5
Хива	9,6
Хива ш.	0,4

Сут (минг тонна)
Жами вилоят бўйича 1009,9



Хазорасп	139,6
Урганч	124,0
Хонқа	104,5
Кўшкўпир	104,5
Гурлан	103,7
Шовот	102,7
Янгиариқ	83,6
Хива	79,0
Боғот	78,2
Янгибозор	75,7
Урганч ш.	7,8
Хива ш.	6,7



Тухум (млн. дона)
Жами вилоят бўйича 444,5




**Жун (тонна) Жами
вилоят
бўйича 1099**



IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-декабрь ойларида вилоятнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбаалари ҳисобидан 2980,0 млрд. сўм (доллор эквивалентида 369,3 млн АҚШ долл) микдорида асосий капиталга инвестициялар киритилиб 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 122,8 фоизни, шундан хорижий инвестициялар 355,5 млрд. сўмни (жамига нисбатан улуши 11,9 фоиз) ташкил этди.


2018 йил январь - декабрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръати




2018 йилнинг январь – декабрь ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан қўпи, яъни 58,9 фоизи вилоятнинг 3 та тумани ҳиссасига, жумладан Урганч шаҳри 33,9 фоиз, Шовот тумани 14,5 фоиз ва Хазорасп тумани 10,4 фоизи тўғри келади.

Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Хива шаҳри 299,4 фоиз, Гурлан тумани 212,9 фоиз, Қўшкўпир тумани 206,1 фоиз Янгибозор тумани 195,7 ва Янгиарик тумани 172,4 фоиз ўсиш кузатилди.

Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар



Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар (фоиз)



2018 йилнинг январь – декабрь ойларида аҳоли жон бошига хисобланган асосий капиталга киритилган инвестициялар хажми бўйича юқори кўрсаткичлар Урганч шаҳри 7168,1 минг сўм (89,2 фоиз), Шовот тумани 2627,4 минг сўм (151,0 фоиз) ва Янгибозор тумани 1327,6 минг сўм (192,5 фоиз) қайд қилинди.

**2018 йил январь - декабрь ойларида молиялаштириш манбалари бўйича асосий
капиталга киритилган инвестициялар**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсии суръати, %</i>	<i>якунга нисбатан фоиз</i>
--	-----------------	--------------------------------	---------------------------------

Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2980,0	122,8	100,0
--	---------------	--------------	--------------

шу жумладан:

Марказлашган инвестициялар:	723,5	126,0	24,3
------------------------------------	--------------	--------------	-------------

бюджет маблағлари	143,4	86,8	4,8
-------------------	-------	------	-----

давлат мақсадли фонд маблағлари	329,6	200,0	11,1
---------------------------------	-------	-------	------

тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	47,6	76,4	1,6
--	------	------	-----

хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	202,9	253,5	6,8
--	--------------	--------------	------------

Марказлашмаган инвестициялар:	2256,5	121,7	75,7
--------------------------------------	---------------	--------------	-------------

корхоналарнинг ўз маблағлари	976,1	121,8	32,7
------------------------------	-------	-------	------

ахоли маблағлари	658,0	97,6	22,1
------------------	-------	------	------

хорижий инвестиция ва кредитлар	152,7	646,7	5,1
--	--------------	--------------	------------

шундан:

тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	146,8	823,0	4,9
---	--------------	--------------	------------

тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	469,8	131,1	15,8
---	--------------	--------------	-------------

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

(2018 йил январь-декабрь)


	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	2980,0	784,8	2195,2
ишу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
курилиш-монтаж ишлари	2076,3	661,4	1414,9
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	838,4	97,6	740,8
Бошқа харажатлар	65,3	25,8	39,5

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибида Вилоят бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши 69,7 фоизни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар 28,1 фоизни ҳамда бошқа харажатлар улуши 2,2 фоизни ташкил этди.


Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

(январь-декабрь ойларида)

2017 йил январь-декабрь




2018 йил январь-декабрь




Вилоятда асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари 2018 йил январь-декабрь ойларида мос равишда 24,3 фоиз ва 75,7 фоизларни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткичларнинг улушлари ўтган йилнинг шу даврида 23,8 фоиз ва 76,2 фоизларни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари (улуши фоизда)



2017 йилнинг шу даври билан солиширганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестициялар улуши 0,2 фоиз пунктга ўсган, мос равишда Давлат мақсадли жамғармаси улуши 4,3 фоиз пунктга кўпайган бўлса, Республика бюджети маблағларининг улуши 2,9 фоизли пунктга камайди.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари (улуши фоизда)



■ 2017 йил январь - декабрь

■ 2018 йил январь - декабрь

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби


	<i>Жами инвестициялар млрд. сўм</i>	<i>Шу жумладан молиялаштириши манбалари бўйича: (млрд. сўм)</i>						
		<i>Республика бюджети</i>	<i>Давлат мақсадли жамғармалари</i>	<i>Корхона ва аҳоли маблази</i>	<i>Тизкорат банк кредитлари ва бонка қарз маблазлари</i>	<i>Хорижий инвестиция ва кредитлар</i>	<i>Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси</i>	<i>Болалар спортини риювожлантириши жамғармаси</i>
Хоразм вилояти	2980,0	143,4	314,8	1634,1	469,8	355,5	47,6	14,8
Шаҳар ва туманлар								
Урганч ш.	1010,7	97,4	106,6	430,3	111,7	217,1	47,6	-
Хива ш.	90,0	0,3	6,5	60,4	12,2	10,6	-	-
Боғот	159,6	3,6	41,3	67,1	41,6	0,9	-	5,1
Гурлан	114,4	4,2	12,3	65,2	30,3	2,4	-	-
Кўшкўпир	136,7	3,8	13,8	90,9	20,6	2,6	-	5,0
Урганч	225,4	4,7	25,8	107,8	78,0	9,1	-	-
Хазорасп	310,0	13,0	33,5	187,6	50,4	25,5	-	-
Хонқа	167,0	4,8	10,5	114,5	33,7	3,5	-	-
Хива	106,5	5,0	19,0	47,1	32,1	3,3	-	-
Шовот	433,2	1,6	20,9	304,4	21,1	80,5	-	4,7
Янгиариқ	113,8	2,8	16,0	69,7	25,3	-	-	-
Янгибозор	112,7	2,2	8,6	89,1	12,8	-	-	-

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2018 январь – декабрь ойларида асосий
капиталга киритилган инвестициялар хажми**

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>Жамига нисбатан фоизда</i>
Жами:	2980,0	100,0
Кишлoк, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	325,9	10,9
Тоғ- кон саноати	0	0
Ишлаб чиқариш саноати	559,8	18,8
Электр энергияси , газ ва буғ кондицияланган хаво	55,9	1,9
Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш	87,8	2,9
Қурилиш	113,7	3,8
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалар ва мотоциклларни таъмирлаш	182,9	6,1
Ташиш ва сақлаш	262,0	8,8
Овқатланиш ва яшаш бўйича хизматлар	18,3	0,6
Ахборот ва алоқа	29,5	1,0
Молия ва сүғурта фаолияти	44,6	1,5
Профессионал, илмий ва техник фаолият	20,0	0,7
Таълим	134,4	4,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	87,5	2,9
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	6,2	0,2
Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар	762,6	25,6
Бошқа фаолият турлари	288,9	9,8

